

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ЎҚУВ МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА
ОШИРИШ**

Бахтиёр Дилшатович Бекматов

Чирчиқ давлат педагогика университети

b.bekmatoff@yandex.com

Аннотация: Умумий ва касбий таълим ва тарбиясининг янги шакллари, биринчи навбатда, таълим, илмий ва саноат корхоналари салоҳиятидан ўзаро манфаатларга мувофиқ фойдаланишини таъминлайди. Аввало, ишилаб чиқарии учун илмий ишиланмалар, кадрлар тайёрлаш ва илгор мутахассисларни тайёрлаш назарда тутилади. Бу вазифани умумтаълим мактабларида ўқув марказларини ташкил этиши каби ўқув-тарбиявий тузилма орқали ошириш мумкин.

Калит сўзлар: ўқув маркази, прогностика, касбий таълим, касбга йўналтириши, саноат, жамоат ташкилотлари, таълим узвийлиги.

Ўқув марказлари ҳозирги кунда умумий ва касбий таълим мазмунини ривожлантиришнинг янги босқичини бошдан кечирмоқда. Кўп қатламли иқтисодиётни шакллантириш шароитида, турғун ижтимоий ва сиёсий ҳаёт, умумий ва профессионал таълимда бўлажак мутахассисларнинг билимларни эгаллашлари учун муайян ижтимоий кафолатлар яратади. Таҳлил қилинган амалиёт натижалари асосида таълим муассасалари ривожланишида уйғунликка эришиш йўллари сифатида қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

-кўп ўлчовлилик (ёки муқобил ёндашув орқали педагогик жараён ва тизимларнинг ривожланишини ижобий ва салбий томондан баҳолаш);

каміда иккита прогноз сценарииси (минимал оптималлаштириш, оптимал) ва иккита дастур вариантлари билан прогнозлаш;

-резонанс таъсирлардан унумли фойдаланишини ўз ичига олган синергетик ёндашув;

-ресурсларнинг етишмаслиги ёки кутилмаган қийинчиликлар туфайли режалаштирилган босқичларга эришиш мумкин бўлмаса ҳам, тўғри танланган ва мақсадга йўналтирилган ҳаракатни ижобий баҳолаш;

-ҳаётий ва тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиши.

Ушбу концепция ўқув марказини минтақавий тизим сифатида шакллантиришнинг умумий педагогик ва дидактик шарт-шароитларини белгилайди.

Ўқув маркази шаклига қўра кўп мақсадли умумий ва касбий таълимнинг шундай тизимини назарда тутадики, унда мактаб ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялаш органик бирлаштирилади. Шу билан бирга ўқувчилар меҳнати орқали таълим функционал

жиҳатдан ижодий изланиш муносабатига, меҳнат самарадорлиги ва унумдорлигини оширишга қаратилади.

Умумий ва касбий тайёргарлик ва таълим ўқув маркази шароитида тегишли профилнинг ишлаб чиқариш амалиёти билан таълим интеграциясини таъминлади, шу билан бирга уни амалга ошириш шаклига боғлиқ. Ўқув маркази таълимнинг ташкилий-методик шакли сифатида ёшларини касбий тайёрлаш учун катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатади.

Умумий ва касб таълимини интеграциялаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг янги шакли сифатида қаралади. Бу ерда умумий ва касб-хунар таълими тизимлари интеграциялашган; фан ва ишлаб чиқариш билан алоқа таъминланган; олимлар, ўқитувчилар, ўқувчилар ва ишлаб чиқариш мутахассисларининг ҳамкорликдаги жамоалари ташкил этилган бўлиши лозим. Таълимнинг бу кластери ҳар бири ишлаб чиқариш йўналишига қараб, кадрларни мақсадли тайёрлаш имконини берувчи умумий хусусиятларга эга.

Ўқув марказ-умумий ўрта ва касб-хунар таълимнинг ишлаб чиқариш билан чукур интеграциялашувининг бир шакли ҳисобланади. Агар касб-хунар таълимини умумий таълимнинг ажралмас қисми деб ҳисобласак, унда умумий ва касб-хунар таълимини интеграциялаш зарурлиги тарбиядаги ўзига хос ўрни ва жамиятдаги илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар билан изоҳланади.

Ўқув марказининг мақсади:

инсонпарварлаштириш;

ўқувчининг ижодий, ақлий, маданий, мустақил шахсини ривожлантириш;

ўқувчиларнинг қобилияtlари, қизиқишиларини ривожлантириш;

ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва дастлабки касбий кўниkmаларни шакллантириш;

кўшимча таълим дастурларини амалга ошириш;

синфдан ташқари ишларни дифференциаллаш;

чет тилини ўрганиш;

ўзлаштириши қийин бўлган ўқувчилар билан ижтимоий-психологик иш;

мактаб таълимини саноат амалиёти билан боғлиқлиги;

ўқувчиларнинг қизиқишилари бўйича тўгараклар;

ОТМлар билан алоқа;

умумий ва касб таълимнинг узвийлиги;

таълим ва тарбиянинг узвийлиги;

таълим, илмий, саноат ва жамоат ташкилотларининг узвийлиги;

турли омиллар (ижтимоий, иқтисодий, кадрлар, шахсий ва бошқалар) ҳаракатларининг узвийлиги).

Касб таълими улушини кенгайтириш жамиятда педагогик тизим (Ўқув маркази) нинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш имконини берувчи ахборот-таҳлилий функцияларини аниқлаштириш учун ўқув маркази моделини ишлаб чиқиш зарур

бўлади. Умумий ва касбий таълим интеграцияси шароитида мотивацион-мақсадли функцияси янгиланган шаклларда амалга оширилиб, мақсадли устуворликлар сони ижтимоий тартиба мувофиқ равишда кенгайиб боради. Ўқувчиларни рағбатлантириш ва янги қадриятларни қабул қилиш бўйича касбий ва умумий таълим компетентлигига қўйиладиган талаблар ортади.

Режалаштириш ва илмий башоратлаш (прогностик функция) интеграллашган мақсадларини амалга оширишда тизимли ёндашишни таъминлайди. Умумий ва касбий таълим шароитида узвийлаштирилган мақсадли дастур тузилмаси янгиланган мазмун билан тўлдирилади.

Ташкилий-жараёний функцияси барча тузилмаларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш орқали ўқув маркази меҳанизмини амалга ошириш билан боғлиқ. Ўқув маркази тизимининг барча компонентларини ривожлантириш шароитида лойиха усули барча бўлимлар ресурсларини интеграциялаш варианти ҳисобланади.

Ўқув марказнинг назорат-диагностик функцияси ахборот тўплаш, фаолиятни таҳлил қилиш, таълим натижалари ва таълимни ривожлантиришни ўз ичига олади.

Тартиблаштириш функцияси ҳар бир тузилманинг ишини кузатиш жараёнида амалга оширилади. Марказнинг самарадорлиги ўзаро таъсири билан аниқланади. Ушбу функциянинг вазифаси ушбу ўзаро муносабатларни тартибга солишдан иборатdir.

Ўқув маркази тузилишига кўра директор ва унинг тўрт ўринбосаридан иборат: 1) ўқув ишлари; 2) ишлаб чиқариш ишлари; 3) синфдан ташқари ишлар 4) молиявий ишлар.

Ўқув маркази шаклига қўра умумий ва касбий таълимнинг шундай тизими назарда тутиладики, унда мактаб ўқувчиларини ўқитиш ва тарбиялаш амалга оширилади. Шу билан бирга ўқувчиларни функционал жиҳатдан ижодий изланиш муносабатига, меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилади. Ўқув маркази тегишли касбнинг саноат амалиёти билан узвийлигини таъминлайди, уни амалга ошириш шакли ҳам шу узвийликка боғлиқ. Ўқув марказ таълимнинг ташкилий-методик шакли сифатида ёшларини касбга тайёрлаш учун катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатади. Умумий ва касбий таълимни интеграциялаш асосида ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг янги шакли сифатида қаралади. Ўқув марказ – умумий ва касбий таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашувининг бир шакли бўлиб, ўқувчиларини кўп босқичли таълимнинг сифат жиҳатидан янги шакли ва ишлаб чиқариш учун юқори малакали ишчи-мутахассислар тайёрлашни назарда тутади.

Унинг гуманитар ва педагогик йўналишдаги асосий вазифалари қуйидагилар:

- ўқувчиларнинг умумий маданияти ва касбий сифатларини шакллантириш;
- шахснинг ўз-ўзини аниқлаш, унинг ўз-ўзини англаши учун шароит яратиш;
- болалар ҳукуқлари тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши;

- ўқувчиларни узлуксиз умумий ва касбий тайёргарлигини ривожланиши учун имкониятлар яратиш;

- ишлаб чиқариш учун мутахассислар тайёрлаш;
- ўқувчиларнинг коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;
- ўқувчиларни олий таълимга тайёрлаш.

Ўқув марказида таълим мазмуни Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган ва тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар асосида олиб борилади. Касбий тайёргарлик мазмунини аниқлашнинг дастлабки мезонлари малака талаблари бўлиб, улар тегишли мутахассисларни тайёрлаш билим ва кўнималарига қўйиладиган асосий талабларни белгилаб. Ўқув марказда умумталим ва ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш тамойилларини кўриб чиқамиз. Мактабда таълим жараёнининг икки тармоғи мавжуд - бу одатий умумий таълим ва иккинчиси 10-синфдан бошлаб ўқитиладиган касбий таълим. Бу йўналишлар, биринчи навбатда, ўқув дастурлари ва ўқув фанлари мажмуи билан фарқланади. Агар оддий ўқув дастурини касбий фанлар билан боғласак етарлича фарқни кўрамиз. Ўқув марказ узлуксиз таълим ва ўқитиш тизимида таркибий, аммо мустақил (ўз устави, ўқув фаолияти учун лицензия, хукуқий мустақиллик аккредитациядан ўтган) бўғин бўлиб, ишлаб чиқариш учун малакали ишчиларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги шаклини ифодалайди.

Ўқув марказининг асосий вазифалари:

- ўқувчиларни касбий таълим олиш имконияти билан таъминлаш, ижодий сўровлар амалга ошириш; касбий таълим бўйича чуқур билим бериш, мутахассислигига қизиқиши шакллантириш;

шахснинг ақлий, маданий ва ахлоқий ривожланишга бўлган еҳтиёжини рўёбга чиқариш. Касбий таълими учун шароит яратиш ва уни такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг қизиқишиларини ҳисобга олган ҳолда дифференциал таълим вазифаларини амалга ошириш.

Ўқув марказига ўқувчиларни қабул қилиш ўз хоҳишига кўра ҳамда психологик-педагогик тест натижаларини орқали амалга оширилади. Танлов асосида касбий таълим машғулотларига қабул қилиш 9-синф битирувчиларидан сухбат асосида амалга оширилиб, унда танланган фаолият турига қизиқиш ва унинг хабардорлиги аниқланади. Бунинг учун мактаб ўқитувчилари, ишлаб чиқариш корхонаси, халқ таълими, жамоатчилик вакиллари, шунингдек, психолог ва шифокорлардан иборат қабул ҳайъати ташкил этилади. Комиссия иши мактаб Кенгаши раҳбарлигига амалга оширилади. Ўқув марказига қабул натижалари директорнинг буйруғи билан август-сентябрдан кечиктирмай эълон қилинади. Ўқув марказ мактаби ўқувчилари қуидаги хукуқларга эга:

мактаб Кенгашига сайлаш ва сайланиш, уларнинг таълим муассасаси фаолияти масалаларини ҳал этишда бошқа жамоат ташкилотлари орқали иштирок этиш;

устахоналари жиҳозларидан бепул фойдаланиш, қўшимча белгиланган таълим жараёнинда қатнашиш;

-юқори сифатли ўқув машғулотларини ўтказмайдиган ўқитувчини алмаштириш масаласини кўтариш.

Ўқув марказ фаолияти Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган ва маҳаллий халқ таълими бошқармаси томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари билан белгиланади. Касбий таълим мазмунини аниқлашнинг дастлабки мезонлари малака хусусиятлари бўлиб, улар тегишли мутахассисликларнинг билим ва қўникмаларига қўйиладиган асосий талабларни белгилаб беради. Ўқув марказ талабларига жавоб берадиган ўқув дастурлари, услугий қўлланмаларни нашр этиш ўқув-услубий ташкilotларнинг зарур мутахассисларини жалб қилган ҳолда шартнома асосида амалга оширилади. Мактаб ўқув режасида кўрсатилган фанлар рўйхатидан ташқари умумтаълим, касбий ва маданий-маърифий тайёргарлик машғулотлари ташкил этилади. Ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малакалари баҳолаш орқали аниқланади: аъло, яхши, қониқарли, қониқарсиз. Улар ўқув ишлари ва имтиҳонларни жорий назорат натижаларига кўра аниқланади. Баҳолашдан норози бўлғанларга ушбу ҳолатда қайта кўриб чиқиш ҳукуқи берилади. Тегишли ўқув курсини тамомлаган, академик ва касбий фанлар бўйича ижобий якуний баҳоларга эга бўлган ўқувчиларга саралаш имтиҳонларини топширишга рухсат берилади. Ўқувчиларни кейинги синфга ўтказиш, якуний имтиҳонларни ўтказиш, аттестация ва малака (тоифа, синф) битирувчиларини тайинлаш тартиби Халқ таълими вазирлигининг тегишли ҳужжатлари билан белгиланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Асадуллин Р. М., Васильев Л. И., Иванов В. Г Новые ориентиры развития профессионального образования. Уфа: Вагант, 2008. 132 с.
2. Габитова Э. М. Дидактические основы формирования транспрофессиональных компетенций нового качества, адекватных требованиям работодателя: дис. ... канд. пед. наук: 13.00.08. Уфа, 2015. 150 с.
3. Иванов В. Г. Использование интегративных связей // Среднее проф. образование. 1999. № 2. С. 8-9.
4. Bekmatov, Bakhtiyor Dilshatovich. "BACK TO THE FUTURE: HIGHER EDUCATION IN 2022." Academic research in educational sciences 2.12 (2021): 1380-1383.
5. Иванов В. Г. Теория интеграции образования. 2-е изд., перераб. Уфа: РИО РУНМЦ МО РБ, 2005. 172 с.
6. Бегматов, Б. Б. (2020). Роль и функции русского языка в условиях суверенного Узбекистана. Наука и общество, 1(65), 33-37.
7. Дилшатович, Б. Б. (2020). ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ ЛЕКСИКА. Academic Research in Educational Sciences, 1(4), 1044-1050.

8. Кедров Б. М. Классификация наук. М.: Наука, 1978. 549 с.
9. Bakhtiyar Dilshatovich Bekmatov. (2023). PROCESSES OF NEOLOGIZATION OF SOCIO-POLITICAL VOCABULARY OF THE RUSSIAN LANGUAGE. International Multidisciplinary Journal for Research & Development, 10(10), 405–409.
10. Читаева Ю. А. Модернизация профессионального образования [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.superinf.ru/> (дата обращения: 28.01.2016)
11. Шукрова, М. А., Эргашева, С. Б., & Бекматов, Б. Д. (2021). ЖАХОН ТИЛЛАРИ ТИЗИМИДА РУС ТИЛИ. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 1041-1046.
12. Bekmatov, B. D., & Bekmatova, E. E. (2021). SITUATIONAL ANALYSIS METHOD. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 1035-1040.
13. Bekmatov, B. D., & Bozorov, N. N. (2021). FORMATION OF SOCIAL COMPETENCE AT STUDENTS OF PROFESSIONAL COLLEGES. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(3), 200-204.
14. Bakhtiyar Dilshatovich Bekmatov, & Rakhim Ayatov (2021). SOCIO-POLITICAL VOCABULARY AND SOCIO-POLITICAL TERMINOLOGY. Academic research in educational sciences, 2 (12), 1333-1340.
15. Бордовский Г. А. Марш-бросок в будущее, или акцент на гуманитарные технологии / Г. А. Бордовский // Учительская газета. - 18 марта. - 2008. - № 12.
16. Зеер Э. Ф. Проблемы развития профессионально образования / Э. Ф. Зеер // Казанский педагогический журнал. - 2014. - № 2 (103). - С. 9 - 22.
17. Аникеева О. А. Взаимодействие системы высшего профессионального образования и рынка труда: стратегия перемен // Вестник Ассоциации вузов туризма и сервиса. 2013. № 1. С. 3-9.
18. Bekmatov, Bakhtiyar Dilshatovich. "SOCIO-POLITICAL VOCABULARY AS A SYSTEMICALLY ORGANIZED SET." Academic research in educational sciences 2.12 (2021): 1497-1504.
19. Войнова Л. П. Процессный подход к организации и управлению деятельностью образовательного учреждения как гарантия качества образования // Сборники конференций НИЦ Социосфера. 2011. № 35. С. 41-44.